

ХУКУК

МУСТАҚИЛЛИК

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Мустақил юртимизнинг 21 март тоғли ўзгача файзу тароват, удувор шукуҳ билан отди. Наврўзнинг тоғндай мусайффо нафаси борлиқни уйғотди. Шаҳару қишлоқларга, ҳар бир хонадонга байрам кайфияти кириб келди.

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Миллий боти Наврўз тапталарининг маркази бўлди. Бу ерда бўлиб ўтган шодиёна азиз ватанимиз ва халқимиз қудрати ва удулғишини ифодасига айланди. Президентимиз Ислам Каримов мамлакатимиз халқини қутлуғ айём-Наврўз байрами билан табриқлади. Шу куни дунёнинг нигоҳи Ўзбекистонга қаратилди. Бу йилги Наврўз тапталарини 50 дан ортиқ давлат халқлари бевосита телевизор орқали томоша қилдилар.

Шукуҳи пойтахтимизнинг бошқа дам олиш жойларида ҳам байрам шодиёлари бўлиб ўтди.

Меҳр-оқибат, муруват ва ўзалик рамзи бўлган Наврўз байрами бутун республикамиз бўйлаб кенг нишонланмоқда.

НИЯТ

Шубҳа йўқки, эзгу ниятларимиз амалга ошган сари юртимизда йилдан-йилга бу байрамнинг ҳам файзу шукуҳи ортаверади. Келгуси Наврўзларни бундан ҳам тўкин, бундан ҳам фаровон, бир сўз билан айтганда, энг олий орзу-умидларимиз ушалган шароитда қутиб оламиз, иншоолло.

(Президент Ислам Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанадagi табрик сўзидан)



Ахборот

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

1999 йил 19 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Америка юристлар Ассоциацияси - СИИЛИ дастури ҳамкорлигида Олий Мажлис ўн учинчи сессиясида биринчи ўқишда қабул қилинган «Нодавлат нотариот ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Семинар йиғилишида Олий Мажлис депутатлари Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган халқаро ташкилотларнинг вәкиллари, Республика вазирликлари, идоралари, нодавлат ташкилотларининг вәкиллари, олимлар, мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари вәкиллари иштирок этдилар.

Анжуман иштирокчилари Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбасари Фарруха Муҳиддинованинг Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотариот ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақидаги, Нотариот ҳуқуқ бўйича халқаро марказ вәкили Наталья Бурнейлининг «Нотариот ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш ҳақида»ги, Америка юристлар Ассоциацияси - СИИЛИ дастурининг Ўзбекистондаги вәкили Мери Тайсеннинг «Америкда давлат ҳокимияти ва нодавлат нотариот ташкилотлар ўртасида ўзаро муносабатлар ҳақида»ги маърузалари тинланди.

Семинар иштирокчилари фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида мазкур қонун нодавлат нотариот ташкилотлари фаолиятининг фаолаштириши, уларнинг мавқени янада оширишига, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришига, қонун устуворлигини таъминлашига, инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини рўйбага чиқариш юзасидан жамоат назоратини кучайтиришига қаратилганлигини таъкидладилар ҳамда лойиҳани янада тақомиллаштириш юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбасари Борис Бутров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини девонини қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари Йўлдош Назоров иштирок этдилар.

Хабарлар

Наврўз байрами арафасида Президент Ислам Каримов муҳим фармонларга имзо чекди. Жумладан, Республика Президентининг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармоннинг қабул қилиниши мамлакат оммавий ахборот воситалари имкониятларини кенгайтириш ва эркинлигини таъминлашда қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган «ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шартларида ишлаётган аёлларнинг даромадида имтиёзли солиқ солиш тўғрисида»ги қарор оғир ишда ишлаётган аёлларнинг даромад даражасини ошириш, уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадини кўзда тутади.

Она юртимизга Наврўз келди. Қир-адирларимиз, боғу роғларимиз бахмал кийимини киймоқда. Бойчечак жамолни кўрсатиши биланоқ бободехқон ҳам даласига йўл олди. Боғларда баҳор, тоғларда баҳор, қўнғилларда баҳор. Баҳорнинг гўзал саховатидан сершовқин шаҳарлар ҳам бенасиб қолмаган. Қушлар баҳорни қўйлаб ўзларича чуқдирашмоқда. Уриғу бодомлар гуллаб, келинчақдай оқ либос кийган. Одамларнинг қалбида байрамона кайфият.

...Республика прокуратурасининг ошхонаси ҳар кунгидан бошқача. Бу ерда ошпазлар «хўжайин» эмас. Прокурорлик формалари ярашиб, дадил-дадил қодамлар ташлаб юрадиган аёлларимиз ошхонани эгаллашган. Улар жамул-жам бўлишиб, Наврўзнинг тансиқ таоми сумалакни тайёрлашга киришганлар. Бошларига оппоқ рўмол ўраб олган аёлларнинг бири кўкарган бугдой майсаларини дид билан қирқса, иккинчиси уларни тоғораларга таллойд. Яна бири эса...

«Яратанга минг қатла шуқурлар бўлсин. Қутлуғ кунларга ҳам етиб келдик, - дейди кўпгўллари ўзига ярашиб турган бўлим катта прокурори Матлуба опа Ниғмонова. - Ҳар йилгидай Наврўз олдидан сумалак тайёрлашга киришдик.

Ҳар ишда бош-қош бўладиган, қалбида ғайрати жўшиб турадиган Мавжуда опани прокуратура тизимида билмайдиган ходим бўлмаса керак. Мавжуда Ражобова неча йиллардан бери Уқув марказида раҳбар муовини бўлиб ишлаб келаяпти. У аёлларга қарата кўҳна байрамимиз ҳақида гапириб ҳам берди. «Бу байрам кўҳна Шарқнинг катта қисмида, унинг кўпгина мамлакатларида қадим-қадимдан нишонланиб келинади. Наврўз туркий халқлар ўртасида Йилбоши деб ҳам аталади. Наврўз, яъни Янги йилнинг бошланғич, биринчи кунини Шарқ тақвимида кўра, ҳар йилнинг 21 март кунига тўғри келади ва шу кунини Шарқ мамлакатларида Янги йил қутиб олинади».

Халқимизда етти ўлчаб бир кес, деган нақб бор айланайлар, - дейди

бош ҳисобчи Адолат опа Отабоева. - Бир йилда бир марта Биби Фатима онамизнинг таомларини тайёрлашда ҳисоб-китобни тўғри олганимиз маъқул.

Сўнг аёллар «Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим», деб дошқозонга тайёр масаллиқларни солишди. Прокуратура ходимлари Жамила Мингалиева, Матлуба Аминжоноваларнинг «команда»си билан дошқозон тагига ўт ёқилди.

Кўп ўтмай дошқозондаги қалғирлар ишга тушди.

Қадимда момоларимиз сумалак қайноётган қозон тепасида айтилган ниятлар ижобат бўлади дейишарди - деб девонхона мудир Меҳринисо Салимова қозондаги чўмични қизларга узатади. - Яхши ният қилинглор. Бу аёлларнинг ҳазил-мутойибаларини, дошқозон тепасидаги чиройли хатти-ҳаракатларини кўрган киши уларнинг судда дадил туриб айблов фикрини қўллаётган, адолат томонда туриб фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган прокуратура ходимлари эканига сираям ишонмаса керак. Бу назокатли аёллар прокурор формасини кийишганда унча-мунча йигитлар ҳам йўл беришади.

...Аёл - аввало оилада она, бека.

(Давоми 5-бетда).

ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР ЎРГАНИЛДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда қонун лойиҳасининг моддалари бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар муҳокама қилинди.

Муҳокамада Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмитаси, Олий Мажлис Қотибятининг Юридик бўлими, Амалдаги қонун ҳужжатлар мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили, қонун лойиҳаси бўйича билдирилган таклифларни ишлаб чиқиш бўйича тузилган ишчи гуруҳи аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги ҳамда элчихоналар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар атрофлича ўрганиб чиқилиб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этишга келишиб олинди.

• Мулоҳаза

ДАВЛАТГА СОЛИҚ ТЎЛАМАЙДИ

Халқ орасида: баъзи раҳбарнинг сигири тугсаям, туғилган кун қилади, деган кинояли гап бор. Чунки шу баҳонада совға-салом йиғилади. Лаганбардорлар учун бу пора-совға бериш учун бир баҳона. Ва шу пора-совға билан раҳбарни қара қилиб қўяди. Шу билан лаганбардорнинг ўғирлик ва эркаликлари давом этаверади. Чунки, еган оғиз уялади-да. Жон қойитмай топилган бойликни совға қилиш осон. Пихини ёрган лаганбардор бирни совға қилса ўзи учун ўрни ўғирлайди, ўзлаштиради. Халқимиз меҳнатқаш, лекин андишалимиз. Тўғрилики ва ҳақимизни талаб қилишга уяламиз, андиша қиламиз. Барибир ҳеч нарса ни тўғрилаб бўлмайди, деб курашсиз таслим бўлаверамиз.

Яратганга шукр, жаннатдай юрда яшаймиз. Тинчлик, осойишталик. Биз шу кунларнинг қодрига етмаймизми? Мустақилликини мустаҳкамлашга ҳисса қўшялми?

Миллиордаб сўмлар иш ҳақи, нафақа ва бошқа тўлов усуллари билан халқимизга тарқатилади. Давлатнинг халқ қўлига ўтган бу пулларнинг моълум қисми қайтиб давлат қозғасига тушмаяпти. Натijaда маблаг айланмапти. Давлатга қайтмаган маблаг яширин иктисод тегирмонига сув қўймоқда. Яширин иктисод давлатга солиқ тўламайди. Совдо-сотик, оқватланиш шохобчаларида ўрнатилган назорат касса аппаратлари қўлчилик ҳолларда ишлатилмайди. Моълумки, солиқлар назорат касса аппаратларидаги рақомларга боғлиқ. Даромад миқдори қанча кам ёзилса шунча кам солиқ тўланади.

Бозорларга кириш пуллик қилиб қўйилганига анча бўлди. Дарвозаларга ўрнатилган автомат ҳисоблагичлар ишлатилмайди. Метрополитенда бинойидой ишлатган автомат ҳисоблагичлар бозорларнинг тирaveryишига ўрнатилган ишламай қолишни текширувчилар борми? Биронта бозор тозаликка жавоб бермаслиги ҳам факт. Совдо жойлари учун йирилган патта йиғимларида ҳам аниқлик йўқ. Ҳамма тушумлар қазнага тушялми?

Кўчаларда давлат йўловчи ташиш транспортларидан кўра шахсий кирақошлар кўп. Лекин ҳаммасида ҳам фаолият учун рухсатнома борми? Тўловларни тўлаганими?

Йўловчи ташишда ишлатиладиган давлат автокорхоналарининг автобусларини мисол учун, тўрт мингта деб ҳисобласак ва ҳар бир автобус ҳайдовчиси кунига кассага 1000 сўмдан кириш қилса кунига тўрт миллион, ойига 120 миллион сўм бўларкан. Кўпчилигимиз жамоат транспортда юрамиз. На чипта берилди, на чипта сўраймиз. Шофёрлар ёнида ёрдамчилари билан пулни йиғиб олишларни кўрамоқ. Мана шу фактларни текшириб аниқлаш, бундай тартибсизликларга чек қўйиш учун чора-тадбир топиш қийинми? Масалан, автобус ҳайдовчиларининг иш ҳақини юз фоиз ошириб, йўл ҳақини оширмаган ҳолда йўловчи ташиш транспортларининг режаларини ўттиз фоизга ошириш ва қучли назорат ўрнатиш керак. Чунки, йилга миллиард сўм қазнага тушириш учун жон куйдираман арзийди.

Бу маблаглар қурпачак янги автобус заводимиз учун жуда зарур бўларди. Халқ маблагини тўғри йўлга йўналтириш керак. Наҳд пулга олинмаган ойлик чипталарни арзонлаштириш ҳақида ўйлаб қўрилса бўлмайди? Минимал иш ҳақига тенг бўлиб ётибди.

Бажнонадан олиб қирилатган товарлардан нафақат бож тўловлари, балки совдо солиқлари ҳам олиниши керак. Чунки товарлар барибир сотилади-ку!

Ҳар бир соҳадаги удабуронлардан маблаг манбаи ҳақида ҳисобот-декларация талаб қилинса, ноқонуний ишларнинг олди олинган бўларди. Панд-насихат билан битмаган ишларни қатъийлик билан охирига етказса бўлади. Ўғирлик, порақўрлик, даромадни яширишга имкон бермайдиган қонун-қондаларимиз ва қучли назорат - бу мустақиллик ва ислохот қуроли эканлигини унутмайлик.

Абдулла САЙДАЛИЕВ,
Тошкент вилояти, Оккурган шаҳри.

• Инсон ҳуқуқлари - муқаддас неъмат

Инсон дунёга келиши билан унинг ҳақ-ҳуқуқлари шаклланиб боради. Зеро, инсон ҳаёти учун энг зарур бўлган унинг ҳақ-ҳуқуқларига даҳл қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Лекин, афсуски, турмушимизда турли хил ҳуқуқбузилиш ҳоллари учраб туради. Унинг олдини олиш, фуқароларнинг эркин, даҳлсиз яшашини таъминлаш мақсадида ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолият кўрсатмоқда. Бу борада Республика прокуратурасининг фуқароларни қабул қилиш ва аризаларни кўриб чиқиш бўлимининг роли каттадир. Мазкур бўлим фаолияти ҳақида шу бўлим прокурори Ҳ.ЗАЙНИДИНОВ билан суҳбатда бўлдик.

бузилишига йўл қўймаслигимиз, ҳар қандай қонунбузилишларнинг олдини ўз вақтида олишимиз биринчи голдаги вазифамиздир. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, барча вилоят прокуратураларида мазкур бўлим алоҳида бўлим сифатида ташкил этилиши мақсада мувофиқ бўлар эди, деб ўйлайман.

—Мазкур бўлимининг фаолиятдан қониқасизми? Бўлим

«БИТТА ҲАМ ШИКОЯТ ЖАВОБСИЗ ҚОЛМАЙДИ!»

— Хусниддин ака, барчага маълумки, қаерда қонуларга амал қилинмаса ўша жойда адолатсизлик авж олади. Қайси вилоятлардан кўпроқ шикоят ва аризалар келмоқда? Фуқароларимиз кўпроқ нималардан шикоят қилишади?

— Ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири кишиларнинг ҳат, ариза ва шикоятларига алоҳида эътибор бериш, унда кўтарилган масалаларни ҳолисона, ҳар томонлама тўлиқ, адолатли ҳал этиш йўли билан фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли чора-тадбирлар кўрилишини таъминлашдан иборатдир.

Бу долзарб масалаларни амалга ошириш энг аввало, прокуратура идоралари зиммасига ҳам юклатилган бўлиб, мазкур талабларни бажариш прокуратура ходимларидан алоҳида қатъиятлик, билим ва малака талаб қилади.

Прокуратуранинг бутун сый-ҳаракати ҳар бир мурожаат муаллифини қабул қилишдан тортиб, унинг вазирларини синчилаб текшириб чиқиш, мазкур вазифаларнинг бошқа давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва ваколатли шахслар томонидан бажарилишини назорат қилиш, барча табаққадаги фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига чораларни кўриш, пировард натижада ҳар қандай ҳолатда қонуннинг устуворлигини таъминлашга қаратилгандир.

Шуни таъкидлаш лозимки, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Ферғона, Наманган вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи фуқаролардан тушган ариза ва шикоятларнинг сони ортган. Фуқароларимиз кўпроқ тергов ва суриштирув масалаларида, судларда жиноий ишлар ва фуқаролик ишлари кўрилишида уч-райидан баъзи адолатсизликлар юзасидан, умумий назорат масалаларида, янги ҳозирги пайтда ҳукуратимиз томонидан амалга оширилаётган иктисодий ислохотларни ҳаётга таъбиқ қилишдаги камчиликлар ва қонун бузилиш ҳоллари, жумладан, «Ер тўғрисида»ги, дехқон ва фермер хўжаликлари тўғрисидаги қонунлар ижроси, мулкнинг муносабатлар, хусусийлаштириш масалалари бўйича шикоят қилади.

Ариза ва шикоятларни қонун билан ўрнатилган мuddатда ҳал қилмаслик, унда кўрсатилган барча вазирларни тўлиқ текширмай, юзаси жавоб бериш, турли қонунбузилишларнинг олдини

олишда қатъиятсизликка йўл қўйиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Мисол учун Жиззах вилояти прокуратурасида фуқаро Қ.Абдурасуловнинг аризаси қонун билан ўрнатилган мuddатда ўз қонуний ечимини топмаган. Жиззах шаҳар прокуратураси терговчиси Бўронов томонидан Қ.Абдурасуловга нисбатан Жиноят кодексининг 228-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилган. Дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилган ҳамда қайд этилган модда билан айб эълон қилиниб, унга тегишли жиноят иши судга юборилган. Жиззах шаҳар суди жиноят ишини кўриб, Қ.Абдурасуловга нисбатан оқлов ҳукми чиқарган.

Жиззах вилоят судининг раёсати ишни кўриб, Жиззах шаҳар судининг оқлов ҳукмини ва вилоят суди судлов ҳайъатининг Жиззах шаҳар судининг оқлов ҳукмини қучда қолдириш тўғрисидаги ажримини бекор қилиб, жиноят ишини қайта терговга юборган бўлса-да, мазкур жиноят иши юзасидан қўшимча тергов ҳаракатлари ўз вақтида юритилмаган. Жиноят иши узок вақт давомида қонунга хилоф равишда ҳаракатсиз қилиб кетган.

Республика прокуратурасининг аралашуви билан Қ.Абдурасуловнинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқ, деб топилиб, уни ноҳақ жиноий жавобгарликка тортган масъул ходимларга нисбатан чора кўрилди.

—Бўлимларингиз фаолияти савобли бўлиш билан бирга мурақабликларга ҳам эга. Лекин баъзи вилоят прокуратураларида бевосита ана шу бўлим йўқ. Унинг фаолияти бошқа бўлимларга юклатилган. Бу эса мурожаат қилиб келган фуқароларнинг оворагарчиликларига сабаб бўлиш билан бирга бошқа бўлимларнинг ишини ҳам қийинлаштирмоқда.

—Ҳақиқатдан ҳам бўлимимиз фаолияти ўз мурақабликларига эга. Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза этишга республикамиз прокуратураси Марказий ва барча тобе прокуратуралар ҳолидимлари фаолиятининг муҳим таркибий қисми сифатида қаролмоқда.

Дарҳақиқат, барча вилоят прокуратураларида фуқароларни қабул қилиш ва аризаларни кўриб чиқиш бўлимлари мавжуд эмас.

Унинг фаолияти бошқа бўлимларга юклатилган.

Инсон ҳуқуқлари муқаддас тутилган демократик жамяти-мизда фуқаролар ҳуқуқларининг



Фаолиятини янада такомиллаштириш учун нима ишлар қилиш керак, деб ўйлайсиз?

—Фуқароларнинг шикоятлари билан ишлаш, уларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя этиш ҳали давр талаби даражасида эмас. Жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўришда сансалорлик, жиноят процессуал қонунларига риоя қилмаслик, инсонлар тоқдирига лоқайдлик билан муносабатда бўлиш ҳолларига ҳанузгача чек қўйилмаётганлиги ачинарлидир.

Барча ариза ва шикоятларни юзасидан жавоблар қайтариш кенчиқиб кетмоқда. Бу борадаги фаолиятни янада такомиллаштириш учун ариза ва шикоятларнинг кўриб чиқишига виждонан муносабатда бўлиш ҳодимларимизнинг хизмат ҳамда инсоний бурчи деб саналмоғи, ҳар бир ҳодимнинг бу соҳадаги масъулияти оширилмоғи бугунги кун талабидир. Фуқаролардан келиб тушган аризаларни қонунда белгиланган мuddатларда ҳал қилишни, уларда кўрсатилган вазирларни ҳар томонлама, тўлиқ ва сифатли текширишни таъминлаш, ҳар бир ҳолат юзасидан ариза ва шикоят эгаларига аниқ ва батафсил жавоб бериш чораларини кўришимиз ҳамда шунга эришишимиз лозим.

Бу масалада Республика прокуратурасининг навбатдоғи ҳайрат йиғилишида ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, Бош прокурор Усмон Худойкулов шундай таъкидлаб ўтди: «Адолат истоб, қонуний ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб келган биронта ҳам фуқаро прокуратура зшигидан ноумид қайтмасин. Битта ҳам шикоят жавобсиз қолмасин. Прокуратура қабулхоналаридаги тартиб, аниқ ва қатъий бўлсин. Прокурорнинг бурч ва масъулияти прокурор этикаси талаблари билан ўзини номоён этади. Ҳаммаси шу юрт фоззондизми, бас, яшашда, юриш-турушида ҳам эл қатори бўлайлик. Ҳо, дарҳақиқат, бизнинг бўли-

мимиз, айтиш мумкинки, энг сергалва ва энг масъулиятли бўлим. Бу ерда ишлайдиган ходимлар ҳар кандай вазиятда ҳам ўзини ўта вазмин тутта билиши, прокурор этикасига риоя қилиши, фуқароларга керакли йўл-йўриқларни кўрсатиб, уларнинг ариза ва шикоятларини эътибор билан кўриб чиқиши лозим.

-Айрим фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари савияси пастлиги туфайли сизларни худабехудага безовта қилишлари ҳам иш фаолиятларингизда қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай вазиятда қандай йўл тутасиз?

-Ҳа, бундай ҳоллар кўплай учрайди. Айниқса, Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаролар шикоят ва аризалар билан туман ёки шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилмасдан, тўғридан-тўғри Республика прокуратурасига мурожаат этадилар. Бундай ҳоллар Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида яшовчи фуқароларга ҳам ҳосидир. Бундай вазиятларда биз уларга илҳом борича тушунтириш йўлини тутамиз.

Ўзининг қонуний ва ҳуқуқий манфаатлари бузилган, деб ҳисоблаган фуқаролар, аввало, ўзи яшаб турган туман ё шаҳар прокуратурасига мурожаат қилишлари, агар бу мурожаатлари оқибатсиз қолдирилсагина ундан қорқиб турувчи прокуратура органларига арыз қилишлари мумкин. Бизга тўғридан-тўғри келиб тушган шикоят ва аризалар тартиб-қоидага кўра ҳал қилиш учун барибир яна қўйиб прокуратура органларига юборилади.

-Халқнинг ҳуқуқий савиясини оширмасдан туриб, ҳуқуқий демократик жамият қуриш қийин, албатта. Халқимизнинг ҳуқуқий савиясини оширишдек масъулиятни вазифа кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситаларига юклатилган. Бугунги кун матбуотининг ана шу соҳадаги фаолиятдан қониқасизми? Бу борада оммавий ахборот воситаларига қандай тақлифлар киритган бўлардингиз?

-Республикада ҳуқуқий-демократик жамият қуриш сари одимламоқда. Бу йўлда прокуратура органлари ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг асосий вазифаларидан бири ҳолқ орасида ҳуқуқ тарғиботи ва тушунтириш ишларини олиб боришдир. Дарҳақиқат, ҳар бир фуқаро ўз давлати қонунларини нафақат билиши, балки чуқур ангамоғи ҳамда унга онгли равишда амал қилиши лозим. Бу борада оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенгрок фойдаланишимиз керак. Оммавий ахборот воситаларида прокуратура органларининг фаолиятлари кенг ёритиб бориловгани яхши, албатта. Яна шуни тақлиф қилмоқчи эдимки, матбуотда оҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида, айниқса фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунлар кенг шарҳлаб берилса, яхши бўларди. Фуқаролар қандай пайтда кимга, қайси ташкилотга мурожаат қилиши лозимлигини билиб олсалар ортиқча оворатгариликларга борҳам бериларди, деб ўйлайман. Бундан ташқари, матбуотнинг бу соҳадаги фаолиятига ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳам ижобий ёндашиб, уларга яқиндан ёрдам берсалар, яхши натижаларга эришиш мумкин.

Сўхбатдон:
Меҳри БОЛЛИЕВА.

• Қадриятларимиз



БИР-КЕЧА КАШФИЁТИ

Баҳор - яшнаш ва яшариш фасли. Баҳор - ёруғ қунларнинг бошланishi эзулик галабасининг тинсалидир.

Баҳор яқинлашиши билан опаларимиз яхши умидлар билан бугдўй кўкартирадilar. Қишнинг қорлари ҳали эримай туриб сумалак пиширишни бошлаб юборадilar.

Сумалак - оналаримизнинг азалий удуларимизга содоқати, муҳоббати рамзи сифатида яшаб келди.

Сумалак - инсонларнинг дилини дилига пайванд этувчи яхшилик рамзи ҳамдир.

Баҳор шаббодалари эса бошлаган кезларда оналаримиз маслаҳатни бир жойга қўйиб, сумалак пишириш тадоригини кўрадilar.

Ён қўшилар сумалак учун ўз улушларини қўшади. Элпойса, юзма, юз эллик, кимдир икки юзта. Бунинг ўлчовини фақат

кампирларнинг ўзи биледи. Ушанга яраша ун, шакар йиғадilar.

Сумалак аҳли аёлларни бир жойга жам қилади. Шу баҳона кампирлар келинларга турмуш сабоқларини бериди.

Майин эна дегон бир кампир бўларди. Раҳматли, келинчақларнинг қўлига калпир бериб, қозон қовлашни ўргатарди.

Сумалак фаришталар пиширган тоом, болажоним. Уни пок ниятли аёллар пиширади. Сумалакда ота-боболаримизнинг эзгу ниятлари муҳассан бўлган, - дер эди Майин кампир. Сўнгра келинчақларга бешикка бола бойлашдан, то болога қандай ўрин солишгача ўргатар эдилар.

Болонинг ўрнини юмшоқ қилманлар. Битта юпка тўшақ ҳам бўлоди. Қалин жой солсанг боло бемехр бўлиб ўсади.

Сумалак - ота-боболаримиз

нинг ўлмас кашфиёти. Баҳор келганда одамларнинг кучи дов-дароҳтарга ўтоди, дейишади. Худди ана шу маҳалда сумалак инсон организмичун ниҳоятда зарур озука. Кўк сомсалар, кўкати таомлар. Буларнинг барчаси инсон учун ниҳоятда керакли.

Кўкартирилган бугдўй сиқилганда, ундан ок сутдек шира ажралади. Ана шу ширасига атала чайилади.

Дошқозонда сумалак қайнайди. Келинчақлар вақти-вақти билан чайғумда қайнаган сувни қозонга қуйиб турадилар. Қозон бир меъёрда қайнаб турганда кампирлар кўлларига дам бериб, ўрин алмашадilar.

Ширин суҳбат овжига чиқади. Қарияларнинг бу кечадаги суҳбати ёш оналар учун бетакрор мактаб вазифасини бажаради.

Болалар эса тахтадон ясаб олган қошиқларини кўтариб бот-бот қозон олдига келадilar.

Келинлар қозоннинг четига ёпишган сумалакнинг қотанини қошиқ билан кўчириб берадилар.

Бу кеча болалар учун ҳам ўзига хос байрам. Улар оналарига кўмаклашаётганидан хурсанд. Барча сумалакка улуш қўшган хонадонлардан ўтин йиниб келадilar. Ариқдон сув ташийдилар. Бўш қолди дегунча тенгдошлари билан турли ўйинлар ўйнайдilar.

Сумалак жамосни бир жойга

тўплайди, дардлаштиради. Туни билан ҳасратлашиб чиккан оналар бир-бирларига меҳрибон ва сунъч бўладilar. Бу урф-одат бошқа ҳеч бир халқда учрамайди. Сумалакнинг бир ажиб ҳикмати мана шунда намоён бўлади. Йил бошида бир-бирига кўрсатилган меҳр одамларнинг юрагини илтидди. Ҳаётнинг қийинчиликларини бирлиқда енгиб ўтишлари учун ишон ва шижоот пайдо бўлади.

Сумалак - кўнглиларни бир-бирига пайваста қилади.

Ғап-сўзалар совий бошлаган кампирлардан бири доирани олиб келишларини буюради. Уни ўтга тоблаб, чунонам чертадики, юраклар зириллаб кетади. Ширин овозли мома ёр-ёрлардан, лапорлардан, Ал-помешу Ойбарчинлардан қўйлайди. Келинчақлар рақсга тушадilar.

Сумалак баҳона оналаримиз кўнглиларидида дардлардан, ғамлардан фориб бўлган. Бу ажиб кеча улар учун яхшигина хордиқ вазифасини ўтаган.

Сумалак бўлишдаги тенглик, менки кўлайиб кетди, сизнигина озгина кўшиб берай, дам мулозимат қилишлар эса оналаримиздаги тантилик, мурувват ҳисларини келинчақларга юктирган.

Сумалакнинг таърифига китоблар битса арзиғуликдир. Унинг халқимизнинг ўлмас урф-одатларидан бири сифатида яшаб келаётгани - моомоларимиз ва оналаримизнинг зуққолиги, ота-боболаримизга содоқати туфайлидир. Бундай урф-одатларимиз бор экан, халқимизнинг келажаги ёруғ ва нурафшон бўлғусидир.

Момалардан мерос ҳазина,
Минг йилларни қаритган сўзан.
Сен наврозим, ўлмас ганжани
Келажаксан, қалбдаги кўзан.

Абдураҳмон ЖўРА,
журналист.

• Наврўз удулари

ШИҲОН ЭМАС ТАРИҲИ...

Қадимдан одамлар Наврўзга алоҳида бир ҳурмат билан қараганлар, хатто уни муқаддас қўнга айлантиришга ҳам ҳаракат қилганлар. Наврўз билан боғлиқ сонсаноксиз ривоятлар, афсоналар биттилган. Масалан, Умар Хайём ўзининг «Наврўзнома» асаридида шундай бир ривоятни келтиради: «Кайқусрав замонасидан... то охирига Аҳам подшоҳларигача уларнинг одати бундай эди: наврўз кўни подшоҳ оиласидан бўлмаган биринчи одам - мубадлар мубади подшоҳ олдига май тўла олтин жом, узук, дирҳам ва подшоҳ динори, бир қучоқ арпа ниҳоли, қилч, ўқ-ёй, давот ва қалам билан келиб, офаринлар айтиб, табриқлар ва унга шукроналар билдирарди. Мубадлар мубади подшоҳни васф этиб бўлгандан сўнг олий мартабали амалдорлар келиб хизматга тайёр эканликларини изҳор этишар эди».

Табиат билан инсон ўртасидаги муносабат асосида вужудга келган муҳим тарихий анъаналардан бири Наврўз байрамидир. Ушанга пайдо бўлиш тарихи жамият тараққиётининг жуда қадимги босқичига бориб тақалади.

Баҳор байрами - Наврўзнинг киришини нишонлашнинг ҳам ўз удулари бор. Қадимги ақидаларга кўра, Наврўз кўнини йил-қулай, шод-хуррамликда ўтказган киши бутун ўз давомида ана шундай қувноқликда зўр кечирар экан.

кўклай ушиб чиққунча ҳар қўни сув селиб турилади. Тўрт-беш энли угсақ, майсан ўриб, эзиб, суви олинади. Сўнгра бу сувоқликни қозонга қўйиб, қучис оловда қайнатилади, гоҳ-гоҳ унга му парчаси ташлаб турилади».

Сумалакнинг бир қатор фазилатлари ҳам борки, улар аввало унинг шифобахш таом сифатидаги хусусиятларида намоён бўлади. У тўйимли ва витаминга бойлиги билан қадим замонлардан бери халқлар эътиборини жалб қилиб келган.

Кизиги шундаки, Наврўз кўнида нишонланадиган деярли ҳар бир удумга одамлар қандайдир ғайри-табиий тус беришга ҳаракат қилганлар. Масалан, қадимда Наврўз айёмида дўст-биродарлар, таниш-билишлар бир-бирларига ширинчиликлар ҳадя қилганлар. Ушбу удуум ҳақида Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдғорликлар» китобидида қуйидаги ривоятни келтиради: «Баъзи қавмларда Наврўз кўни бир-бирига шакар ҳадя қилиш расми бўлган эди. Озарбоднинг ҳикоя қилишича, бунинг сабаби Наврўз кўни Жамшид мамлакатидида шакарқамиш пайдо бўлган».

Маҳмуд ибн Вали (XVII аср) ўзининг «Баҳр ул-асрор («Сирлар денгизи») асаридида шундай ҳикоя қилади: «Самарқанд вилоятида Обираҳмат дегон жой бор. Уерда бир бўлоқ бор, кимки, Наврўз кўнида унинг сувига таҳорат қилса, гуноҳлардан ҳоли бўлгай, дейдилар. Шу сабабдан, Наврўзда халойиқ ушбу бўлоқ олдида тўпланадилар, сувидан олиб ичадилар ва таҳорат қиладilar».

Хусайн ал-Оқиллий (XVIII аср охири) форс тилида ёзган «Маҳзан ал-адвия» («Давёлар ҳазинаси») китобидида сумалак ҳақида шундай ёзилган: «Саману - «найдан»нинг форсча номидир. «Найд» мисрликлар сўзи, форс тилида уни «саману бавво» ёки «самани бӯв» дейишади. Кўпгина мамлакатларда севимили ва машҳур таомлардан саналади. Ширин ва лаззатли. Уни тайёрлаш санъати қуйидагича: аввало яхши бугдўй доғларни тозаллаб олинади, сўнг сувда ивиштилади, тахтага еҳуд бошқа нарсалар устига уч-тўрт энли қалинликда ёйиб чиқилади ва зигирдан тўқилган бирор мато билан ёпиб қўйилади. Бугдўй

Урта Осиёда наврўз кўнлариди ҳовалар, обакидан-дон (монпасе), хўрозқанд каби кўклай хилма-хил ширинчиликлар тайёрланган. Наврўз сайлида турли овқатлар, майиз, ёнғоқ, шўрданак, қовурилган нўҳат каби ҳар хил нознеъматлар мўл-қўл бўлганлигини, шунингдек, ўрик қоқи (туршак) ивиштиб, сувини ичиш одат эканлигини қайд этади. Бунин қарангки, халқ қадимдан туршакнинг камқувватликдан ҳалос бўлишга ёрдам беришини жуда яхши билган.

Одамларда кўпинча қиш охирига бориб ҳолсизлик, дармонсизлик, ёки ҳозирги замон ибораси билан айтганда, витаминларга қучли эҳтиёж (авитаминоз) пайдо бўлиб, кўпинча бундай вақтда кўкатлар ва хўл меваларга эҳтиёж сезадилар. Халқда бу одат «илик узилди» ҳам дейилади. Дармонсизликка даво сифатида эрта баҳорда турли анги униб чиққан баъзи ўтлардан (қоқи ўт, шовул, яллиз ва бошқалар) истеъмол қилиш ва улардан турли таомлар (сомса, чучвара, манти, қовурма чучвара варақи) тайёрлаш ҳам қадимдан одат ҳисобланган.

Наврўз дастурхонининг таомларидан қўкати сомса қуйидагича тайёрланади: яллиз, исмалок, беда, отқулоқ кўкатлар яхшиллаб ювилади ва майда қилиб тўграб, оқ пивёз, кўк пивёз, оқ ёғ (қўй думбаси, чарви сариёғ ёки ўсимлик ёғи) озгина туз солинади. Хамир учун бир қоса номақоб сувга 2 ош қошиқ эритилган ёғ солиб ун қўшиб қориледи. Хамирни бир оз тиндириб қейин ёйилади ва тўртбурчак шаклида кесилади. Думалок ва тўртбурчак шаклида тугилади. Кизиб турган тандирга сомса ёпилади. 10-15 минутда сомса тайёр бўлади ва пишган сомсани тоғарага солиб, ёғ суртиб ўраб қўйилади. Дастурхонга совиған ҳолда тортилади.

Нодира МУҲАММАДУҲАЕВА.

• Қонун барчага баробар

КАСБГА ҲИЁНАТ - ВАТАНГА ҲИЁНАТ

дейди Тошкент шаҳар прокурорининг ички хавфсизликни таъминлаш бўйича ёрдамчиси Аҳмаджон ҒОҒУРОВ.

- Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 30 июлдаги қарори билан Республика прокуратураси ички хавфсизликни таъминлаш инспекцияси тузилди. Унинг мақсади, қолаверса, вазифалари нималардан иборат?

- Тарихдан маълумки, ҳамма замонларда адолатсиз, таъмагир, ўзгалар ҳақидан ҳазор қилмайдиган, эғаллоб турган вази-фасидан ўз манфаатлари учун фойдаланадиган инсонлар бўлган. Тўғриси айтиш керак, бугунги кунда ҳам ана шундай қимсалар ораимизда йўқ эмас. Буни бугунги ҳоёт ҳам кўрсатиб турибди. Инспекциямиз яқинда ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси идораларига амалдаги барча қонунларнинг устиворлигини таъминлаш, фуқароларнинг Конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш, ҳуқуқ-тартиботни мустақомлаш ва жиноятчиликка қарши курашда муҳим вазифалар юк-ланган.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда прокуратура идоралари ходимларидан ўз вазифа-сига содоқатли ва ҳар қандай қонунбузилишларга мурасасиз бўлишлари талаб этилади.

Республика прокуратураси ички хавфсизликни таъминлаш инспекциясининг асосий вази-фаси - прокуратура идоралари ходимларининг Конституция ва қонунларга қатъий риоя этиш-ларини, ҳар қандай қонунбузи-лишларга қарши мурасасиз кура-шишини, фуқароларнинг ҳуқуқ-лари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни, прокуратура ходими шайнинг улуғлашини, виждонан пок ва ўз вазифасига содоқатли бўлишларини таъмин-лаш, уларнинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш, шунингдек, улар томонидан суиистеъмолчи-ликларга йўл қўйилишининг, шўхратпарастлик, ўзини кўз-кўз қилиш ҳолатларининг олдини олиш, уларнинг сафини касбига нолойиқ шахслардан тозалаш-дан иборатдир.

Инспекциямиз юқорида изоҳ-лаб ўтилган вазифаларни оғиш-май бажариш учун режа асосида иш олиб бормоқда.

- Кейинги пайтларда омма-вий ахборот воситаларида «хуқуқшунс маънавияти» де-ган янги термин пайдо бўлди...

- Мустақиллик ҳар биримиз-нинг ҳаётимизга янги руҳ бахш этди. Ҳамма соҳалар қатори прокуратура тизимида ҳам кўп-гина ижобий ишлар қилинди ва қилинмоқда. Энг асосийси, қонун-ларимиз жаҳон андозалари та-лабига жавоб берадиган дара-жада қайтадан ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди. Буни мен мустақилликнинг шарофати деб биламан.

Бугунги хуқуқшунс илм дара-жасида ҳам, фикрлашда ҳам 15-20 йил олдинги хуқуқшунсдан тубдан фарқ қилади. Бир сўз билан айтганда «хуқуқшунс маънавияти» деган сўз ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Бугунги тер-говчи, прокурор, судья нафақат ўз соҳасининг чуқур билимдони, балки маънавий жиҳатдан ҳам етук инсон бўлиши шарт. Бу замон талаби. Қалбида Ватанга,

халқига меҳри бўлмаган хуқуқшун-носнинг жамиятга наф келтири-шига ишониб қийин. Бу ҳақда ўйлаганимда юртбошимизнинг «Агар одам охиратдан кўрқса, одам бўлиб яшашга интилади, одамийлиги ортади. Акс ҳолда, унинг ҳайвондан деярли фарқи қолмайди», деган сўзлари тез-тез ёдимга тушади. Айтмоқчи-манки, маънавияти пуч, таъмагир қимсалар учун прокуратура тизи-мида ўрин бўлмагани керак. Прокуратура тизимидаги ички хавфсизликни таъминлаш инспек-циямиз бош мақсади ҳам ана шу.

- Маълумки, жойларда айрим туман прокуратураси ходим-ларининг жиноят ва фуқаро-лик ишларини ижобий ҳал қилиб бериш мақсадида таъма-гирлик қилаётгани ҳақида ша-ҳар прокуратурасининг охириги хайрат йиғилишида ҳам ошқо-ра мулоҳазалар билдирилди...

- Хайрат йиғилишида барча камчиликлар, муаммолар ва ютуқлар очик-ойдин айтиб ўтил-ди. Айниқса, прокуратура тизими-да хали ҳам таъмагир ва порохўр ходимлар борлигига ва бунга барҳам бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Аччиқ, аммо тўғри гаплар айтил-ди.

Прокуратура идораларини билимдан, ҳар томонлама етук ходимлар билан тўлдириш мақса-дида жамоатчи-ёрдамчилар бил-дан ишлаш масаласига эътибор қўйилтирилди. Бош прокурорнинг 1994 йил 17 ноябрдаги «Проку-рорнинг жамоатчи-ёрдамчилари тўғрисидаги буйруғи билан тас-диқланган Низом асосида махсус инспекция мажлисларида фуқаро-ларнинг жамоатчи ёрдамчилар сафига киритиш ва чиқариш, прокуратурага ишга қабул қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Ёш мутахассисларни тарбия-лаш ва касб маҳоратини ошириш борасида дастурлар тузилиб, унда ёш мутахассисларга алоҳи-да шахсий топшириқлар бери-либ, реферат тайёрлаш юклатил-ди. Натияжлари бўйича синов қабул қилинди.

Мазкур дастур ижросини таъ-минлашга шаҳар прокуратураси бўлим ва тармоқ раҳбарлари жалб этилиб, шаҳар прокурату-раси бўлимлари ҳамда туман прокуратурасининг тезкор маж-лисларида ёш мутахассислар иштирокида муҳокама қилинди.

1998 йил довомида Республи-ка прокуратураси ўқув Маркази-да 24 нафар прокурор-тергов ходимлар ўз малакасини оширди. Шаҳар прокурори катта ёрдам-чиси Р.Зокиров ва Бектемир туман прокуратураси иш ўр-ганувчиси Р.Нурназаров синов натижаларига кўра эғаллоб тўғрисида мулоҳазаларига етарли даражада лойиқ эмас, деб топи-либ, уларга 6 ойлик синов муддат-и белгиланган эди. Утган йилнинг декабр ойда ўқув Марказида қайтадан бўлиб ўтган машғулотларда Р.Зокиров ишти-ҳонарли қончилари топширди. Р.Нурназаров эса бош прокурор ҳузурдаги махсус инспекция синовидан ижобий ўтиб, мустақил лавозимга тайинланди.

Жорий йилда умумий назорат бўлими прокурори С.Абдурахимов, Ҳамза туман прокурори ёрдамчиси Ф.Ражапов,



Аҳмаджон Ғоғуров 1962 йилда Андижон вилоятида туғилган. 1992 йил ТошДУ хуқуқшунослик факультетини тамомлаб, фаолиятини Чилонзор туман прокуратурасида иш ўрганувчи-ликдан бошлаган. 1993-1997 йиллар давомида Ҳамза туман ҳамада Тошкент шаҳар прокуратураларида турли лавозим-ларда ишлаб келган.

Айни вақтда Тошкент шаҳар прокурорининг ички хавфсизликни таъминлаш бўйича ёрдамчиси.

Шайхонтаҳур туман прокурату-раси иш ўрганувчиси О. Эргашев, Юнусобод тумани прокуратураси иш ўрганувчиси Б.Пирмухамедов шахсий иш ўрғаниш дастури асосида иш олиб бормаганини, тўғрисида махсус инспекция аъзолари улар-ни эғаллоб турган лавозимларига етарли даражада лойиқ эмас, деган хулосага келиб, қўшимча б ой синов муддат-и белгиланди.

Қанчалик аччиқ бўлмасин, муқаддас касбга доғ туширган ходимлар ҳам йўқ эмас. Тошкент шаҳар Юнусобод туман прокурату-раси собиқ катта терговчиси Л.Қодиров фуқор Ш.Ахрорхў-жаевнинг ишини ижобий ҳал қилиб бериш учун таъмагирлик йўли билан 1500 АҚШ долларини пора тариқасида олганлиги учун шаҳар прокурорининг буйруғи билан эғаллоб турган лаво-зимдан бўшатилди ва жиноий жавобгарликка тортилди.

- Сўхбатимиз мавзусидан маълум бўлдики, гуруҳ кур-максиз бўлмаганидек, прокуратура ходимларининг ора-сида ҳам таъмагирлари йўқ

эмас. Бунинг олдини олиш мумкинми?

- Камчиликларни бартараф қилишга келсак, ҳозирги кунда барча туман прокуратуралари-да асосан ёш мутахассислар ва барча тезкор ходимлар билан бевосита мулоқотлар ташкил этилмоқда. «Ўзбекистон Республи-каси Прокуратураси ички хавфсизликни таъминлаш инспек-цияси тўғрисидаги Низом талаб-ларидан келиб чиққан ҳолда ходимларнинг ножўя хатти-ҳара-катларга йўл қўймасликлари ва уларнинг олдини олиш борасида тегишли тадбирлар ўтказиб боришмоқда.

Прокуратура тизимларида фидокорона ҳалол ишлаб, ҳозирда меҳнат фахрийлари бўлган ходимларимизни учра-шувларга тақлиф этиб, «Маъ-навий бойлик моддий бойликдан устун», «Прокурор қонуннинг энг одил ҳимоячиси», «Прокурорлик шайнинг доғ туширман» каби мавзуларда сўхбатлар ўтказиб боришмоқда.

Булардан ташқари, шаҳар прокуратураси ички хавфсизлик-

• Ана ҳолос!

Ёшлари бир жойга бориб қолган қарияларни шайтон йўлдан урди. Нафс қурсин-а, йўқса 2 минг АҚШ доллар ортиндан қувиб, тавakkалнинг бошини қал, деб жиноят қўчасига киришармиди.

- Шамситдин, нима бўлди ишларинг?

- Э, бормисиз Исмет оға, ҳозиргина худойидан келдим.

- Харидор чиқиб қолди, мол турибдимми?

- Ҳа-да, оёқ чиқариб қониб кетармиди.

Икки оғайни пойафзал қутисидоги қорадорини олиб, уйнинг ортига ўтишди. Қўтининг ичидан «эйтиёт бўлинлар, эйтиёт!» деган овоз чиққандай

Йигитлар адашишмапти. Эксперт-иза қўтининг ичидоги сарғимташ, хамирсизон модда қорадори эҳкалнинг тасдиқлади. Тарози эса унинг вазни 1958 граммлигини кўрсатди. Жиноят устидо қўлга тушган нафс бандаларига нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Хўш, бу қариялар кимлар ўзи?

Танишнинг Шамситдин Сатторов 1945 йилда Пастдарғом туманида туғилган, маълумоти олий, оилали, 4 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ҳеч қаерда ишламай-ди.

ПОЙАФЗАЛ ҚУТИСИДАГИ ТАМАКАТЪ

бўлди. Дўстлик канали тарафга кетаётган қарияларнинг юракларига гўлгула тушди. Олдинга бир қадам ташлаб, ортларига уч-тўрт ўгирилиб боришаркан, олазорак кўзларига кўринган ҳар бир қимсадан шўхлалана бошлашди.

- Исмет оға, шу палаканини қанала улқитиб юборсаммикан, - деди ҳаяжонини босиб олапалаётган Шамситдин. - Э, йўқ, икки минг доллар-а. Манг, сиз олиб юринг.

Исмет оға қўтини қўлтигига қисиб, атрафга яна бир алангаб олди. Бу пайт Миллий Хавфсизлик Хизмати Сирдарё вилояти бошқармаси ходимлари шўхли «камқиларни» кузатиб келишяётганди.

- Қўтининг ичидо нима бор? - Ўларини таништирган ходимларнинг дастлабки саволлари шу бўлди.

Қариялар қалованиб қолишди. Товонларигача музлаб, тиззаларига қалтироқ кирди.

- Марҳамат қилиб биз билан юринлар, ўша ёқда гаплашармиз.

Исмет Аб- келямов 1941 йилда Қримнинг Қаря шаҳрида туғилган, маълумоти олий, муқаддам судланмаган, 3-гурӯх ногирони.

Ёшлар йўлдан оёса, йўлга соладиган, панд-носихат қиладиган оқсоқолларнинг бу жиноий ҳаракатларини қандай тушунмоқ керак?

Прокуратура олиб борган тергов ишларида улар айбларига қисман иқдор бўлишди. Суд жараёнида эса дастлабки терговда берган кўргазмаларидан тонишди. Қорадорини сотмоқчи эмасди, деб туриб олишди. Бироқ тергов материаллари қонунийлигини, далиллар етарли-лиги ва кўргазмаларини инкор қилишга асослар йўқлигини суд тасдиқлади.

Суд ҳукми билан Ш. Сатторов 13 йил, И. Аб-келямов 12 йилга озодликдан маҳрум этилиб, мол-мулклари мусодара қилинди. Жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташ белгиланди.

Саидмаҳмад МАҲМУДОВ, Сирдарё вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси.

Сўхбатдош:

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ.

• **Хуқуқий давлат сари**

Ҳақ-хуқуқлари, қонуний манфаатлари поймол этилган одам, табиийки, хуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат этади. Сир эмаски, ана шундай ҳолларда адолат излаб келганларнинг ўзлари ҳам баъзида адолатсизлик қурбони бўлади-лар. Бугун матбуот саҳифаларида бу тўғрида, хуқуқ-тартибот идоралари жиддий ислоҳга муҳтожлиги ҳақида озмунча ёзилган йўқ. Ана шу фикр-мулоҳазалар доирасида баҳсли мунозаралар ҳам бўлиб турибди. Агар хато қилмасак, бу ҳолни ҳам демократия нишонларига ментгаш мумкин.

Хуқуқий нашр сифатида табиийки, газетамиз ҳам бундай долзарб мавзуларни четлаб ўтолмайди. Мухбиримизнинг Навоий вилояти суди раиси Бахтиёр ЖАМОЛОВ билан қилган суҳбати асосан инсон ҳақ-хуқуқларини муҳофаза этишда хуқуқ-тартибот идораларининг ўзaro муносабатлари ҳусусида бўлди.



СУДДАГИ ТОРТИШУВ

ҲАҚИҚАТНИ АНИҚЛАШДА МУҲИМ ОМИЛДИР

- **Прокурор киритган протестга кўра ёки юқори инстанция суди томонидан Сиз чикарган ҳукм бекор қилинди, дейлик. Бу ҳолни қандай қабул қиласиз?**

- Авваломбор шуну қайд этиш керакки, ҳар бир судья маълум бир иш бўйича ҳукм чиқаришда, судланувчининг айби етарли далиллар билан исботланганлигидан ташқари, жиноятнинг ижтимоий ҳавфлилик даражаси, судланувчининг шахси, ишдоғи айбни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни эътиборга олади.

Ҳар бир ҳукм қимнингидир поймол бўлган ҳақ-хуқуқлари, қонуний манфаатлари давлат ҳамда жамоат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат номидан чикариладиган муҳим ҳужжатдир. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми томонидан 1997 йил 2 майда қабул қилинган «Суд ҳукми тўғрисида»ги 2-сонли қарор ҳукмларни қонуний ва асослантирилган тарзда чикаришда айтиш мумкинки, муҳим раҳбарий кўрсатма бўлди.

Мен томонидан ёки вилоят суди судьяларидан биронтасининг ҳукми прокурорнинг протести асосида юқори турувчи инстанция орқали бузилса, табиийки бу ҳаммани ҳам ранжитади. Лекин шунинг натижасида сен томонидан йўл қўйилган суд ҳатоси тўғрисида, бундан ҳафа бўлиш эмас, тўғри хулоса чикариш керак. Чунки ўзининг

хатосидан тўғри хулоса чикарган одамга бу ҳам ўзига хос бир сабаб бўлади.

Узоқ йиллар суд тизимида ишлаган судьялар шуну тажрибаларига таянган ҳолда айтдиларки, судья ўз касбини тўлиқ ўзлаштириши учун камида 4-5 йил керак бўлар экан. Яъни ўзи ва ҳамкасбларининг хатолари асосида сабоқ олиб шаклланади. Шу нуқтаи назардан ҳозирги пайтда судьяларни тез-тез алмаштириш амалиётини чукүрроқ ўйлаб кўриш керак.

- **Биламизки, суд жараёнида мутлоқ ҳукмронлик суд томонда бўлади. Қўмга таяниб, одилона ҳукм чикаришда томонлар (давлат айбловчиси, адвокат) фикрини инобатга олишдан ташқари, ваколат таъсирига ҳам суянмайдими?**

- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25-моддасига мувофиқ ишлар судда кўрилаётганда иш юритиш тарофларининг, яъни айбловчи ва ҳимоя қилишнинг тартишуви асосида амалга оширилади.

Ҳар қандай тортишув эса

ҳақиқатни аниқлашда энг муҳим омилдир. Шу нуқтаи назардан судья албатта тарофларнинг фикрини эшитиб, мулоҳаза қилиб, қонун ва ўзининг ҳуқуқий онги асосида бир тўхтамага келиши керак.

- **Кўплаб «иш»лар суд томонидан қайтадан тергов органларига қайтарилади. Бу нимани билдиради: айрим терговчилар малакасизлигини ёки баъзи «иш»ларнинг моҳиятини етарлича тушуниб етмаслик оқибатини?**

- Жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш ҳоллари ҳақиқатан ҳам учраб туради. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Масалан, вилоятимиздаги терговчиларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилиб, улар ҳали етарли тажрибага эга эмас. Шунга қарамадан, қайд этиш керакки, кейинги йилларда жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш ҳоллари нисбатан кам кузатишмоқда. Жумладан, вилоятимизда ўтган йилда 1997 йилга нисбатан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш 8,5 фоизга камайган.

Жиноят ишларини қўшимча терговга қайтаришнинг асосий сабабларидан бири эса дастлабки тергов довомида иш ҳолатларининг ҳар томонлама чукүр текширилмаслиги ва айбланувчиларнинг жинсий ҳаракатлари но-тўғри хуқуқий малакаланишидир.

- **Дастлабки тергов жараёнида қонунга риоя этилишининг ахроли қандай? Тергов маданиятига амал қилинаётими? Шу ҳусусда Сизнинг фикрингиз.**

- Дастлабки тергов жараёнида қонунларга амал қилишнинг

тиш масаласи ўйлашмича мунозарали. Менимча, прокурорларга назорат тартибиде протест киритиш эмас, балки протест киритиш учун тақдиминома билан юқори судга мурожаат қилиш ваколати берилса, бу суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги Конституцион нормага мувофиқ бўлар эди.

Санкция бериш ваколатини судларга ўтказиш масаласи тўғрисида шуну айтиш мумкинки, санкция бериш ваколатини прокурорларнинг ўзида қолдирган ҳолда санкция бериш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилиш институти киритилса тўғри бўлар эди. Чунки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ ҳар бир шахс давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу моддада прокурорнинг санкцияси тўғрисида бирор бир истисно йўқ.

- **Бахтиёр ака, судда инсон тақдирини ҳал қилинади. Унинг кейинги қисмати кўп ҳафтадан суд ҳукмига боғлиқ. Кўплаб «иш»ларни кўргансиз. Суд залидан айбисиз деб топилаб, озод этилган кишининг қувончлари судьяни ҳам руҳлантириб юборишига шубҳа йўқ. Лекин, судланувчига нисбатан оғир жазо тайинланганда-чи? Қалбнингизга оғриқ кирганими ёки «ҳар ким экканини ўради», сингари мақоллар кўнглингизга таскин берадими?**

- Албатта ҳар бир судьяда ҳам судланувчига нисбатан оғир жазо тайинлашда, айниқса биринчи марта маълум бир оғилай, иқтисодий қийинчилик тўғрисида оғир жиноят содир этган судланувчиларга нисбатан жазо тайинлаганида қалбиде маълум бир мазнада оғриқ пайдо бўлади. Шундай пайтда қонунларимизнинг инсонпарвар қонулар эканлигини қайд этиш керак. Яъни, Жиноят кодексининг қонунда белгиланган жазодан ҳам енгилроқ жазо беришни белгилоччи 57-моддаси, шартли жазо беришни белгилоччи 72-моддалори судларга судланувчиларнинг шахсига қараб адолатли жазо бериш имкониятини беради.

Дилшод ИСЛОМОВ суҳбатлашди.

... Судья ўз касбини тўлиқ ўзлаштириши учун камида 4-5 йил керак бўлар экан. Яъни ўзи ва ҳамкасбларининг хатолари асосида сабоқ олиб шаклланади.

Санкция бериш ваколатини прокурорларнинг ўзида қолдирган ҳолда санкция бериш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилиш институти киритилса тўғри бўлар эди.

АҲИЛ ЮРТНИНГ ҲАР КУНИ НАВРЎЗ

(Бошланғичи 1-бетга).

Унинг кўли теккан таом барақали ва тотли бўлади. Юртбошимизнинг 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилиши ҳам бежиз эмас. Қаердаки аёллар бўлса, у ерда гўзаллик ва поклик бўлади.

Халқимиз қўшиқлар билан бошланган байрамда хикмат кўп дейди. Наврўз байрами Республика прокуратурасида ана шундай бошланди. Дошқозонлар очилиб баҳорнинг тансиқ тоами сумалак дастурхонларга тортилди.

- Осойишталик ва тинчлик барқарор бўлган юрдагина байрамлар ва қувончли кўнлар бўлади. Ана шундай юрда яшаётганимиздан бахтлимиз, - деди табрик сўзи олган Республика Бош прокурори У. Худойкулов - Наврўз Ватанимиз истиклолига ҳамнафас бай-



рамларимиздан бири. Бу байрамнинг яна бир аjoyиб хислати - меҳр-муруват кўрсатиш, кўнлиларни поклаш байрами халқдир. Меҳр-муруват айёмига айланган Наврўз шодиёналариде юртимизга файзу барақа,

хотиржамлик, сизларга ва оила аъзоларингизга омонлик тиламан.

Байрам муносабати билан ўтганлар руҳига бағйшланиб Куръон тиловат қилинди.

Наврўз тантаналари Тошкент шаҳар прокуратурасида ҳам бўлиб ўтди. Қутлуғ айём шодиёналари Ватанимиз ҳар бир гўшасида давом этмоқда.

(Ўз муҳбиримиз)

• **Хикмат**

ҲАСИСЛИК ЁМОҢ ОДАТ

Ҳазрат Мавлоно (Жалалиддин Румий) Маснавийсида хасисликнинг ёмонлиги ҳақида сўз юритар экан, бир хасис одамнинг ҳикоясини келтиради. Хасислиги билан ўз замонасида донг таратган бир бодовлат одам бор экан. Бу давлатманд одам энг хасис, энг зикна одам сифатида машҳур бўлибди. Бу хасис бир кун жомега жамоат билан намаз ўқийша борди. Жомеъда намознинг суннатини ўқиб бўлиб, бирдан: «Ҳайдаги чироқни ўчирганмидим, ўчирмаганмидим», деб ўйлаиб қолди. Шу заҳоти шошилиб туриб, уйига борди. Эшикни тақиялатди. Хизматчи «Ким у?» деб овоз берганида, хасис:

- Тўхта, эшикни очмай! Хонамдаги чироқ ёниқ бўлса, ўчириб қўй, ёни тугаб қолмасин тагин, - деди. Хизматчи:
- Ҳўп, афандим. Чироқни ўчиришни тушундим, аммо нега эшикни очмайин, тушунмадим, - деди.
- Хасис одам:
- Эшикнинг ошиқ-маъшуғи едирилмаслиги учун, - деб жавоб берди. Хизматчи:
- Қойил, афандим, аммо сиз масжиддан бу ерга келгунча пойафзал эскиришини ўйламадингизми? - деди. Хасис:
- Сен нима, тентакмасан? Мени яхши биласан, масжиддан келгунча пойафзалимни эскиришга қўман-ми? Пойафзалимни қўлтигимга қисиб олиб, ялангоёқ келдим, - деди.

(Юсуф ТОВАСЛИЙНИНГ «Хикматлар хазинаси» китобидан).

Раҳматилла ТУРСУНОВ 1989 йил ТошДУ юридик факультетини битирган. Иш фаолиятини Тошкент шаҳар адвокатлар уюшмасида адвокатликдан бошлаган. 1993-1997 йиллар давомда Навоий вилояти махсуслаштирилган прокуратурасида катта терговчи, Сирғали туман прокуратурасида терговчи, Тошкент шаҳар прокуратурасида катта терговчи вазифаларида ишлаган. Айни вақтда Тошкент шаҳар прокуратурасининг таъқиқ иқтисодий фаолиятда коррупция ва бошқа суиистеъмоччиликларга қарши кураш бўлими алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи вазифасида ишламоқда. Иккинчи даражали юрист. Oilали, уч нафар фарзанднинг отаси.



Жиноятга жазо муқаррар

жамияти таъсисчи А.Клебанов Самарқанд шаҳрига бориб, «Улғубек С» масъулияти чекланган жамиятидан чанковбосди ичимликларини сотиб олиш тўғрисида шартнома тuzади. А.Клебанов «Самарқанд - Прага» қўшма корхонаси-

этилган ялли даромад миқдорини 26592 сўмга, 1997 йилдаги ялли даромадани 154600 сўмга камай-тириб кўрсатади. Мазкур рақамлар кўрсатилган ҳисоб-китоб ва рақларнинг барчасига Т.Еркабовнинг номидан қалбаки имзолар қўйилган. Шундай қилиб, А.Ахтержакова раҳбари А.Клебановнинг топшириқлари билан 1994 йилнинг март ойидан 1997 йилгача ялли даромад миқдорини касддон 1066600 сўмга камай-тириб, тўланиши керак бўлган солиқ миқдорини касддон яшириб қолди.

Антонина Ахтержакова «Фенстер» хусусий корхонасининг директори сифатида ҳам талай фирибгарликларга қўл уради. Унинг найранглари ойини «УТЦ Инвест» турдош корхонасига қимматга тушди. Мазкур корхона раҳбари В.Коваленко номидан вакиллар келиб Германиядан келтирилган, баҳоси 237760 АҚШ долларига тенг бўлган 11880 кг. «Сано Голд» бутерброд

«УТЦ Инвест» корхонасидан келган одамларга бутерброд ёғини бериб юборишнинг ёлварди. Эртаси куни ҳақиқатан ҳам бир неча одамлар ўзлари билан юк машинаси олиб келишди. Улардан бири А.Ахтержакова томонидан ёзилган хатни кўрсатди. Унда ушбу одамларга бутерброд ёғини бериб юборишнинг ёлвариди.

Махсулотнинг ҳаммаси машинага ситмади. Улар ёғнинг қолганини кечроқ олиб кетамиз, дейишди чикиб кетишди.

Кўн ўнчай «УТЦ Инвест» фирмаси вакиллари Қорабев ва Эгамбердиев келишди. Мен уларга ҳозирдаги махсулотни олиб кетганини айтдим. Улар эса фирмадан ҳеч қим бу ерга юборилмаганини ҳамда бутерброд ёғи учун божхона хужжатлари хали тайёрланмаганини билдиришди.

«Фенстер» фирмасига қарошли божхона омбор мудири В. Гроновнинг суддаги кўргазмаларидан).

Юқоридаги ноқонуний хатти-

Мамлакатимизда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга муҳим эътибор қаратилган. Ана шу мақсадда имтиёзли кредитлар жорий этилиб, амалдаги солиқларни тўлашда энгилликлар берилган. Бундай рағбатлардан оқилона фойдаланаётган ишбилармонлар истеъмол бозорини сифатли махсулотлар билан тўлдиришга ҳисса қўшиш билан бирга, моддий имкониятларини ҳам мустаҳкамлаб олмақдалар. Аммо, юқоридаги каби имтиёзларга қаноат қилмасдан турли найранглар билан мақсадли кредитларни қўқма соуварётган, солиқлар миқдорини яширишга уринаётган, товламачилик билан бойлик тўлаш йўлига ўтиб олган тадбиркорлар ҳам йўқ эмас. Қуйидаги мақола ана шундай олғир ишбилармонлар ҳақида.

ДАРОМАД ДАРДИ

амалга оширилади.

А.Клебанов ана шу йўл билан бир кун келиб бўйнига «илинади» ган жиноятларни бошқа бировга тўнкамоқчи бўлган эди. Шундай қилиб, «Олам»нинг строфида бир олам хийла-найранглар бошланади.

Фирма фаолияти ҳақидаги маълумотлар, молиявий хужжатлар билан солиқларни яшириб қолдишлар, божхона қонунчилигини бузиш ҳоллари авж олади. Ана шундай қалбаки хужжатларнинг барчасига Т.Еркабовнинг сохта имзоси қўйиб келинади.

«...Барча буйруқлар А.Ахтержакова томонидан тайёрланган. Бош ҳисобчи айни вақтда кадрлар масаласи билан ҳам шуғулланганлиги учун меҳнат дафтарчалари унинг сифида сақланган. Т.Еркабовнинг жамиятининг директорлигида тайинланган тўғрисида умуман унга оғзаки кўрсатма берган эмасман».

(Судланувчи А.Клебановнинг суддаги кўргазмаларидан).

1996 йилнинг 15 декабрида «Олам» масъулияти чекланган

да ишлаб чиқарилган, баҳоси 1153172 сўм 16 тийин бўлган яхна ичимликларини самарқандлик ҳамкорларининг ишончига кириб, алдов йўли билан қўлга киритган, ўзининг фирмасига тегишли магазинлар орқали пуллади. Савдондан тушган пуллари банкка топшириш ўрнига ўз эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборади. Шартномада ўрсатилган муддат ичида «Улғубек С» ҳисоб рақамига товарнинг пулини ўтказиб бериш ўрнига турли йўллар билан бу ишни бажаришни пайсалга солиб келади. Фирма раҳбарлари Тошкентга келиб, А.Клебановга олинган чанковбосди ичимликлар учун пулни ўтказиб беришни бир неча бор талаб қилган бўлсалар-да, Клебанов ҳар гал ҳисоб рақамимда маблағ йўқ, пул бўлиши билан тўловни амалга ошираман, деб уларнинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб юбораверди.

«Олам» фирмаси бош ҳисобчиси А.Ахтержакова ҳам директорнинг оғзаки кўрсатмалари асосида фирманинг ҳисоб-китоб ишларида фирибгарлик йўлини тутди. Масалан, Яққасарой тумани Давлат солиқ инспекциясига 1996 йил учун тақдим

ёғини «Фенстер» хусусий корхонасига тегишли божхона омборхонасидо вақтинча сақлаб туришни сўрашади. А.Ахтержакованинг розилиги билан шу масалода шартнома тuzилади ва юк қабул қилиниб, уни сифатли ҳолда сақлаш мажбурияти олинади.

1998 йилнинг 16 апрелида А.Ахтержакова мансаб вақолатини сунистеъмол қилган ҳолда, ўзганинг мол-мулкни талон-тароҳ қилиш мақсадида терговда шахси аниқланмаган шахслар билан жинойий тил бириктириб, қалбаки божхона декларацияси орқали баҳоси 19200 АҚШ доллар бўлган 800 қути бутерброд ёғини номасълум шахсларга бериб юборади. Бу билан белгиланган бож тўловлари ундирилмади қолади ва давлатга 587787 сўм 90 тийин, «УТЦ Инвест» турдош корхонаси манфаатларига 1244259 сўм миқдорига зарар этказилоди.

«15 апрель куни нотаниш бир одам келиб, Коваленконинг топшириғига қўра, бутерброд ёғини олиб кетиш учун келганлигини айтди. Мен унга буниш учун «Фенстер» фирмаси директори билан керакли хужжатларни тўлдириш лозимлигини тушунтирдим. Шундан сўнг А.Ахтержакова менга қўнғироқ қилиб

ҳаракатлар юзасидан жинойий иш қўзғатилган, А.Клебанов ва А.Ахтержаковалар зир югуриб қолишди. Ёғеки, улар ноҳақликдан озият чекоётгандек, юқори турувчи турли давлат идораларига шикоятлар ёзиб ва бошқа йўллар билан тергов ишларининг бортлашига ҳолақат бериб, жинойий жавобгарликдан қутулиб қолишга ҳароқат қилдилар...

Шу йилнинг 19 февралда бўлиб ўтган Яққасарой туман судининг ҳукми билан судланувчилар А.Клебанов ва Антонина Ахтержакова мол-мулкларига давлат фойдасига мусоадро қилиниб, 12 йилга озодликдан маҳрум этилиб, уч йилгача лавозимли вазифаларда ишлаш ҳуқуқидо маҳрум қилинди.

Суд ҳукмига мувофиқ айбдорлар томонидан «Улғубек С» масъулияти чекланган жамиятига этказилган 1153172 сўм 16 тийин, «УТЦ Инвест» турдош корхонасига этказилган 1244259 сўм 80 тийин ва божхона қонунчилиги бузилиши натижасида ундирилмои қолган 587787 сўм 90 тийинлик бож тўловларини уларнинг ҳисобидан давлатга тўлаш чораларини топишга қарор қилинди.

Раҳматилла ТУРСУНОВ.

Сен барибир муқаддасан, муқаддас аёл!

АҲЛИ АЁЛИНГИЗГА БИР ҚАРАНГ...

Биз қўйида сўз юритмоқчи бўлган мавзу (ха, у аллақанда мавзуга айлиниб улгурган) илк бор қаламга олинаётгани йўқ.

Лекин нозик қаламлар пул васасасига тўла «қоп»-ларни аёлларнинг нозик елкасидан олиб ташлашга охилик қилди чоғи. Ажабо, бундай ўйлаб қаралса, далаларда кишини-ёкин меҳнат қилаётган деҳқонларнинг ақсарияти аёллар бўлганлиги катта-катта бозорларда зил-замиб қопларни қўтариб юрганларнинг ҳам кўпчилиги аёллар. Чиндан ҳам, аёлларнинг бозор-Унарга ҳаддан ташдари аралашиб, сингиб кетаётганлиги ҳақида қўп гапирилди. Оқибатлари чамалаб қўрилди. Лекин ўзини бозорга урган, «тилла» бериб «чақ» олаётган аёллар бу ташвишдан қутулиш ҳақида ўйлаб қўрмадилар. Нима учун? Ҳаётнинг турфа мураккаб сўмоқлари кўпчилик аёлларни шу йўлга бошлади.

Бу йўл соғлом турмуш тарзини ҳам жиҳдий зарар этказишда давом этапти. Ҳатто бозорчилик боис

баъзи оилаларнинг бузилиб кетганлиги ҳам тўғри бўлаётган. Оилаларнинг дарз кетишига олиб келувчи сабабларнинг яна биттага қўйиши ҳаммаси учун оғир савол бўлмоғи керак. Табиийки, оила факат эркак ва аёл тақдирининггина эмас, балки фарзандлар тақдирини ҳам белгилайди. Ва энг асосийси, оила-давлатнинг энг кичик бўғини, тараққиёт дарахтининг энг катта илдизидир.

Биз аёллар савдо соҳасида ишлаганимиз, деган фикрдан йироқмиз. Бу бошқа мавзу. Савдонинг ўз тартиблари, касб-корсифатида ўзинга хос хусусиятлари бор, ҳуллас, савдо ходими бошқа, биз айтаётган «қоп»-қашлар бошқа.

Тиричилик, турмушнинг айрим муаммолари, эркакларимизнинг аҳли аёлига безътиборлиги аёлларимиз елкасига «эркакча» масъулиятини юклаб қўймоқда. Ва шу билан бирга, баъзи аёлларимизда қаноат ҳиссининг камлиги, бойликка ҳирс қўйиш, маънавий қашоқланиш, эр ва хотинлик

тушунчасининг асл моҳиятини иккала томон ҳам тўла англаб етмаслиги ёхуд англаша ҳам амал қилмаслиги оилалар тақдирини бозорга олиб кирди. Ажабо, насл-насаб давомийлиги деган тушунча баъзи эркакларда ўз ўрнида - орият маконида эмас. Ўз пуштиқамаридан бўлган жигарбандларнинг эртаси, ўз насабининг шаъни, обрўси ҳақида хайғуришмайди. Эҳтимол, эркакнинг қўзига аста-секин йўқдан бор бўлаётган пуллар қўринар, ўз мажбуриятининг бироз энгиллашаётгани унга хуш ёқар, чунки ҳар қим ҳам ўз оиласининг моддий жиҳатдан фаровон бўлишини истайди. албатта. Лекин пул дарёси уй пойдеворини тубдан емириб, аста-секин ўзинга ғарқ қилиб юборилмаслиги керак. Аксинча, у оила дарахтининг дурқунушига хизмат қиломи даркор. Пулхондонни барбод қилишга эмас, обод этишга хизмат қилсин. Тотувиликнинг ҳуш бўллари хондонларни тўлдириб турганини нима ётсин. Зеро, оилавий тотувиликни пулга сотиб олиб бўлмайди.

Дунёни лол қолдирган Шарқ оиласи деган асрий буюк, муқаддас тушунчанинг қадрига етувчилар, уни дилда эъзозловчиларгина гўлдай оила қўриб, ҳаммага ўркак бўларли тарзда яшаб ўтадилар. Ва бу тушунчанинг қадр-қимматини асарган ҳолда авлодларга маънавий мерос қилиб қолдирадилар. Шукрим, бундай оилалар жамиятимизнинг катта қисмини ташкил қилади. Лекин бу қувонарли хол бизга таскин беролмайди, чунки биттагина болақайнинг қўз ёшида бир инсоннинг тақдирини бозор-Унарга қатори дунёга келган ва ҳамма қатори яшашига, дунёдан умид қилишига ҳақли. Унинг қўз ёшлари, эртага қим бўлиши, қисмати оилага, айнан шу қоп қўтариб юрган аёлга, эътиборсиз эркакка боғлиқдир.

Мол-дунёга қўшиб фарзандингиз келажagini бозорга чиқариб сотаётганингиз - бозор қилаётганингиз йўқимкан, бу ҳақда ҳеч ўйладингизми, қоп қўтарган аёллар? Ўз саломатлигингизни-чи? Аҳли эркаклар, аҳли аёлинингизнинг елкасига қоп юклашдан олдин, унинг заиф қоматига бир қаранг-а, бу нозик елкаларга бозорнинг қопи ярашадими?!

Дилором МАТКАРИМОВА,
журналист.

Шахсий фикр

ЭСКИ «ДАРД»

Пойтахтимиздаги пуфзули банкларнинг бирига кираверишда ушбу битикка кўзингиз тушади: «Чоршанба - давлат (ўзбек) тилида сўзлашиш кунини»!

Во ажаб, қачондан бери ўз она тилимизда сўзлашиш учун ҳафтанинг бир кунини ажратишга мажбур бўлиб қолдик? Ахир, ўзбек тилига давлат - тили мақоми берилганига яқинда 10 йил тўлади-ку!

Мақтаб давримизда (80-йиллари) собиқ иттифоқ миқёсида «Сешанба-рус тилида сўзлашув кунини», деган широк бўларди. Аксарият рус тили муаллимлари ўчокишиб, ўзбек ўқувчиларини русча муомаласига мажбур қилишарди. У даврларда бунини сўзлашнинг ўзини сифатида тобиий қабул қилиш мумкин эди.

Яъни, аҳоли рус тилини яхши билмайди, демак унга русий забонлиқни ўргатиш керак, деган мазмунда эди бу широк.

Ҳўш, банкдаги битикчи? Уни қандай изоҳлаймиз? Агар мамлакатимизда миллий қадриятларни тиклаш йўлида олиб борилаётган ишлардан, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганидан бехабар киши «Чоршанба - давлат тилида сўзлашиш кунини» деган широкни ўқиб, «Ҳамма русийзабон бўлиб кетган эканда, энди ўзбекчани ўрганишни бошлашибди», демойдими? Ҳафтада бир кунни давлат тилида сўзлашиш кунини деб эълон қилган банк мутасоқдилари, наҳотки, кулгига қолаётганларини англоб етмаётган бўлсалар? Ахир банк ходимлари орасида ҳам соғлом фикрларини бордир? Улар қачонга қарашлиятми?


Кираверишдаги манзара шў бўлса, банкда иш юритиш қай аҳволда экан? Бу саволга жавоб олиш учун ушбу муассаса фаолияти билан чуқур танишиб чиқишга ҳожат йўқ. Юзаки назор ташласангиз кифоя. Барча тўловлар, ҳисоботлар ва бошқа кўллар ҳужжатлар рус тилида ёзилади. Тўғри, бу ерда мижозларни ҳеч ким бунга мажбур қилмайди, афсуски, ўзбек (давлат) тилида ишлашни талаб ҳам қилишмайди.

Ахир ўзлитимизни таниб олишимизга, миллий қадриятларимизни ривож топтиришга кенг имкониятлар яратиб берилган бир пайтда айрим идоралардаги бундай иш услубларини ўзгартириш керак эмасми?

Надир МАХМУДОВ,

«Қонун ҳимоясида» журналининг масъул котиби.

Кроссворд



Энига: 1.Осиёдаги давлат. 3.Халқаро анжуман. 7.Қизболанинг исми. 8.Қандолат маҳсулоти. 9.АҚШнинг собиқ президенти. 11.Чўл ўсимлиги. 12.Санъат тури. 14.Зодагон. 18.Хамирли оват тури. 19.Бебахо неъмат. 22.АҚШдаги шга. 23.Ерга ишлов беришда ишлатиладиган мослама. 24.Орзу, умид. 26.Кўнча ва хамиша навқирон шаҳар. 28.Жаҳон қиночиларига бериладиган энг олий мукофот. 30.Болнинг синоними. 31.Бульгаковнинг машҳур асари қаҳрамони. 32.Оврупада аслзодаликни билдирувчи қадимий ўнвон. 34.Кийим қисми. 36.Тропик мева. 37.Ҳарбий хизматчи. 38.Буюк рус олими. 41.Бутунлай, тамомила. 44.«Ғоя» маъносини англатувчи қизболанинг исми. 47.Телекурсатув. 48.Уйин тури. 49.Хорижий давлатга чиқиш учун бериладиган рухсатнома. 50.Қозғонистондаги шаҳар. 51.Эй, қомати... (қўшиқдан). 54.Маълум бир шахсга тегишли дастхат. 56.Ҳинд аёлларининг миллий либоси. 57.Спорт тури. 58.Ер шарни атрофидаги қатлам. 60.Булбулнинг назмдаги номи. 63.Сут маҳсулоти. 66.Мўҳитга қараб тусини ўзгартирувчи жонзот. 67.Саноқ сон. 68.Бедаво. 69.Езма мурожаат 70.Ч.Айтматов асари.

Бўйга: 1.Кайковунинг одоб-ахлоққа доир асари. 2.Тасвирий санъат асари. 3.Ҳуқмдорлар қароргоҳи. 4.Гавайи оролидаги сўнган вулкани. 5.Мевасидан ёғ олинадиган ўсимлик. 6.Боқий байрам. 10.Европадаги давлат. 11.Бирлик, ҳамжихатлик. 13.Миллий ҳунармандчилик тури. 15.Дин. 16.Мотамнинг русча атамаси. 17.Россиядаги деҳқонлар кўзғолони раҳбари. 20.Кўриниш, тасвир. 21.Давлат тузуми. 25.Мунажжимлик китоби. 27.Вақт бирлиги. 29.Ахборот инфорацион дастур. 32.Табий фан. 33.Укубат. 35.Ҳиндистон давлатини узоқ вақт қашқардан сулола. 39.Пойтахтдаги машҳур бозор. 40.Беватан. 42.Нотик. 43.«Хумоюннома» китобининг муаллифи. 45.Қашқардэдаги туман. 46.Физик термини. 48.Тоғ оралми. 52.Икки ёни тош, ўртасида ош. 53.Машҳур ўзбек кино режиссёри. 54.Пойтахтимиздаги театр. 55.Пойтахтимиздаги бозор. 56.ЎзТВ ва СТВ телекомпанияларининг наشري. 57.Маймун тури. 59.Болгариялик башоратчи аёл. 61.Қўймақбаҳо мўйнали ҳайвон. 62.Уғил болалар исми. 64.Ота... - худо... 65.Дипломатик ҳужжат.

Тузувчи: Жавоҳир КОМИЛЖОНОВ.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТган Сонида БЕРИЛган КРОССВОРД ЖАВОБЛАРИ:

Энига: 1.Химоячи. 4.Миллиция. 9.Ошкор. 11.Ракет. 13.Интиҳо. 14.Авиазо. 15.Талхеч. 17.Лаҳад. 20.Актёр. 22.Европалик. 25.Арк. 26.Ниш. 28.Аруз. 29.Илчи. 30.Трактор. 31.Отқулоқ. 32.Рухшо. 35.Елпископ. 37.Мўҳр. 38.Унар. 39.Ярд. 41.Кор. 43.Наноплати. 46.Умид. 48.Қашта. 51.Остона. 53.Елкан. 54.Авақта. 56.Илҳон. 57.Дўлма. 58.Тошкент. 59.Англетта. Бўйга: 2.Изоҳ. 3.Чоракор. 5.Исрофил. 6.Икато. 7.Қотил. 8.Қимор. 10.Шода. 12.Етуқ. 13.Испохот. 16.Халойик. 18.Аср. 19.Депортатмент. 20.Акционерлик. 21.Еги. 23.Орзу. 24.Ажмо. 25.Анорхия. 27.Шоликор. 32.Роналдо. 33.Ерон. 34.Турп. 36.Полтаво. 40.Рум. 42.Онт. 44.Агрман. 45.Адондан. 46.Ултон. 47.Асол. 49.Ажма. 50.Архив. 52.Низо. 55.Возн.



Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги 33-ўрта мактаб ўқитувчиси Зулҳумор Содиқова ҳар томонлама камол топган, баркамол ёш авлодни тарбиялаш йўлида заҳмат чекаётган муаллималардан бири. Касбига бўлган чуқур эътиқод, болаларга нисбатан чексиз меҳр-муҳаббат муаллимани элга танитди.

Суратда: З.Содиқова ўқувчилари даврасида.

А.ПАРДАЕВ сурати.

Бир чимдим кулгу

Котибаликка ишга қабул қилинаётган чиройли қизнинг машинкада ёзишни синоб кўраётган бошлиқ деди:

- Ҳа, баракалла! Атиги иккитагина хато қилдингиз. Энди иккинчи сўзни ёзинг.

Институтнинг қабул комиссияси. Комиссия раиси бир гуруҳ абитуриентлар билан суҳбатни бошларкан, олдинги қатордагилардан бирига мурожаат қилди:

-Хўш йигитча, айтингчи, нима сабабдан сиз бизнинг институтга киришга қарор қилдингиз?

- Беъмани, саволлар беришни бас қилсангиз-чи, дада!..

Бир кал одам иккинчи қал кишининг устидан кулаяпти. Бундан ажабланган иккинчи қал:

- Нима учун менинг устимдан кулаясиз? Ахир, сизнинг бошингиз ҳам топ-тақирку?!

- Тўғрику-я, лекин сизнинг бошингиз меникидан каттароқда!

Э.ОСТОНОВ тайёрлаган.

Мустақиллик ҳуқуқ демақдир

Хуқуқ

ЮРИДИК ГАЗЕТА

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида» журнали

Манзил: Тошкент шаҳри, академик Яё Ғуломов кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.

Бош муҳаррир: Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Тахрир ҳайъати: Ботир Ғўлатов, Дилшод Исмолов (масъул котиб), Мэлес Наимов, Орилжон Холматов, Лола Шомуротова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамадалиев.

Муаллифларнинг фикри тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Кўчириб босилганда «Хуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

«Хуқуқ» оригинал макети.

Газета PENTIUM - II типх компьютерида саҳифаланди.

Навбатчи: Ж.Шарофбоев.

1 2 3 4 5 6

Сотууда эркин нарҳда.

Босишга топшириш вақти: 20.00
Босмаҳонага топширилди: 17.50